

**АСЛАМ** — (арабча — бузилган) фаувлун (V--) асл рукнининг «салм» (чинок килиш) зихофига йўликиши хосиласи «фаълун» (чизмаси: — — ) тармок рукни номи бўлиб, «бузилган», «нуксонли» маъноларини ифодалайди. «Фаувлун» тақоридан майдонга келадиган мутакориб баҳри вазнларида иштирок этади. Масалан:

Гул-гул / о-чил-ган / бўс-тон- / ла-рим бор,

— — / V — — / — — / V — —

Ши-рин, / га-зал-хон / хуш-хон- / ла-рим бор.

— — / V — — / — — / V — —

Хабибий ижоди маҳсули бўлмиш ушбу байт мисраларининг биринчи ва учинчи рукнлар «фаълун», яъни асламдан иборат бўлганлиги учун ушбу вазнни мутакориби мусаммани аслами солим деб атаемиз.